

Ҳақиқат (Истина) ни англадим...

21:18 / 22.04.2016 3598

Ассаламу алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари!

Сизга хушхабарим бор! Ҳозирда ҳаммани ташвишга солаётган айрим мусулмон диёрларидаги можароларнинг асл тағ сабабини тушуниб етдим. Буни тушунишимга Аллоҳнинг тўғри йўл кўрсатиб, Шайх Рамазон Бутийнинг меросларини ўқишим сабаб бўлди. Ҳамма офатга сабаб - бу бемазҳаблик экан. Буни менга биров сингдирмади, ўзим Аллоҳ таоло берган ақл билан танидим. Бу ҳақиқатни 3-4 йил олдин билганимда, Сурияга бориб, у кишига: "Шайх Рамазон Бутий, мен Ўзбекистондан шу хабарни етказиш учун келдим, билингки, сиз каби олимлар борлигидан, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам фаҳрланадилар" деган бўлар эдим. Биламанки, бу гапларимни у киши эшитяптилар, чунки шаҳидлар ўлмайди! Бугун мен аҳли сунна вал жамоа аъзоси бўлдим. Аллоҳ Буюкдир!

Жавоб: Аллоҳ таоло хайрингизни берсин! Сизга ўхшаган ҳақиқатни тушуниб етадиган кишиларимиз кўпайсин!